

**TOSHKENT TEMIR YO‘L TRANSPORTI
MUXANDISLARI INSTITUTI**

**“Iqtisodiyot va menejment”
Kafedrası**

**“MINTAQAVIY IQTISODIYOT”
FANIDAN KEYSLAR VA MASALALAR
TO‘PLAMI**

Tuzuvchi: G.R.Sharapova

TOSHKENT-2019

Ushbu masalalar va keyslar to'plami "Mintaqaviy iqtisodiyot" fanidan amaliy mashg'ulotlarni o'tkazish uchun mo'ljallangan bo'lib, fan bo'yicha masalalar, testlar, keyslar ifodalangan bo'lib, ular yuqorida nomi qayd etilgan fanning ishchi dasturi bo'limlariga mos keladi.

Matn 102 bet, 25 ta jadval va 3ta bibliografik nomlardan iborat.

Institut Ilmiy-uslubiy Kengashi tomonidan nashrga tavsiya etilgan.

Tuzuvchilar: G.R. Sharapova – ass.

Taqrizchilar: N.A. Xodjayeva - i.f.n., dots.

Ya. Aliyev- i.f.n., dots.

KIRISH

Mintaqaviy iqtisodiyot fan sifatida ishlab chiqarish kuchlari va ijtimoiy infratuzilma elementlarini, qonuniyatlari va tamoyillarini hududiy jihatdan tadqiq etadi; mamlakat umumiy rivojlanish strategiyasiva ekologik holatini hisobga olganholda ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish yo‘nalishlarini belgilaydi; hududlar iqtisodiyotini va hududlararo iqtisodiy aloqalarnio‘rganadi. Bundan tashqari, mintaqaviy iqtisodiyot ishlab chiqarish kuchlarin ijoylashtirish va rivojlantirish masalalarini mamlakat miqyosida yaxlit o‘rganadi. Zero, harbi hudud iqtisodiyoti, eng avvalo, mamlakat yagona xo‘jalik majmuasining tarkibiy qismidir.

Shu bilan birga, mazkur fan mamlakat va hududlarning tabiiy resurs salohiyatini, mamlakatning jahon xo‘jaligi tizimidagi o‘rni, aholi, mehnat resurslari va hozirgi demografik muammolarni o‘rganadi; bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakat va hududlarning iqtisodiy darajasini tahlil qiladi hamda ishlab chiqarish kuchlarining asosiy omillarini aniqlaydi.

Mintaqa – mamlakat yagona xalqxo‘jalik majmuasining hududiy kichik tizimi hisoblanadi. U demografik, tabiiy-ekologik, ijtimoiy-iqtisodiyva texnik-iqtisodiy jarayonlarning ichki aloqasiva o‘zaro munosabati tufayli hosil b o‘lgan yaxlitbirlikdir¹.

Mamlakatimizda iqtisodiyotni erkinlashtirish, respublika markaziy boshqaruv organlari vazifalarining asosiy qismini mahalliy hokimiyatlarva o‘zini-o‘ziboshqarish organlarizimmasiga yuklashhamda ularning vakolatlarini oshirish bo‘yicha ko‘pgina ishlar amalga oshirilmoqda (jumladan, 2 palatali parlament tizimi barpo etildi). Shundan kelib chiqib, endilikda mintaqaviy iqtisodiyot fani mamlakat hududlarining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish konsepsiyasini ishlab chiqishi, mintaqaviy rivojlanishga va investitsiyalarni joylashtirishga ta'sir ko‘rsatadigan iqtisodiy vositalarni aniqlash lozim. Mintaqaviy iqtisodiyot fanining predmeti mamlakat ishlab chiqarish kuchlarining joylashuvini, hududlari jtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini, muhim tabiiy-iqtisodiy, demografik va ekologik xususiyatlarini hamda ularning hudud ichidagi, hududlararo va davlatlararo iqtisodiy aloqalarinio‘rganadi. Boshqacha aytadigan bo‘lsak, mintaqaviy iqtisodiyot fanining asosiy vazifasi ijtimoiy ishlab chiqarishning hududiy jihatlarini o‘rganishdan iborat.

Mintaqaviy iqtisodiyot fanining predmeti hududiy moliya-kredit munosabatlarini va mintaqalardagi qimmatli qog‘ozlar bozorining shakllanish jarayonini ham o‘rganadi.

¹R. Capello. Regional Economics, 2015 by Pearson Education, Inc.p. 37.

Bo'lajak iqtisodchilar iqtisodiy bilimlarining shakllanishi iqtisod fanlari tizimidagi konkret hudud bilan shug'ullanadigan yagona soha – mintaqaviy iqtisodiyotni o'rganishdan boshlanishi kerak. Shu narsaga e'tibor berish lozimki, har qanday iqtisodiy faoliyat muayyan hududda ro'y beradi. Bunda iqtisodchi resurs salohiyati, xo'jalik tizimi va uning rivojlanish darajasi xususiyatlarini mukammal bilishi zarur.

Shunday qilib, mintaqaviy iqtisodiyot – ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish va rivojlantirish masalalarini, mamlakat va hududlardagi ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni tabiiy-ekologik sharoitlar bilan bog'liq holda o'rganadigan fandir.

Bozor munosabatlariga o'tish davrida O'zbekistondagi har bir mintaqaning iqtisodiy rivojlanish darajasi turlicha. Masalan, Toshkent shahri, Toshkent va Farg'ona viloyatlari asosiy xalq xo'jalik tarmoqlarining rivojlanishiga ko'ra respublikaning boshqa mintaqalaridan oldinda turadi. Aksincha, Surxondaryo, Sirdaryo, Jizzax viloyatlariva Qoraqalpog'iston Respublikasi bu ko'rsatkichlar bo'yicha quyi o'rinlarni egallaydilar. Qishloq xo'jaligidagi ortiqcha ishchi kuchlarining mavjudligi -Farg'ona vodiysi viloyatlari oldidagi dolzarb muammolardan hisoblanadi.²Sirdaryo va Jizzax viloyatlarida esa, aksincha, qishloq xo'jaligini xodimlar bilan ta'minlash o'tkir muammo bo'lib turibdi.

Hozirgi paytdagi mintaqaviy siyosatning muhim vazifalaridan yana biri – iqtisodiy kooperasiyava mintaqalararo hududiy mehnat taqsimotini takomillashtirishdan iborat. Mintaqalar rivojlanishidagi eng muhim vazifalardan biri – turli hududlar aholisining turmush darajasi bo'yicha tafovutlarni bartaraf etishdan iborat. Ushbu vazifani bajarishda taraqqiyot darajasi past bo'lgan hududlarni rivojlantirish uchun maxsus davlat dasturlarini ishlab chiqishva amalga oshirish, tabiiy resurslarga boy mintaqalarda hududiy ishlab chiqarish mintaqalarini tashkil etish muhim ahamiyatga ega.

Mintaqaviy iqtisodiyot – ijtimoiy fandir. U muayyan hududdagi ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni tadqiq etadi, ijtimoiy va iqtisodiy omillarni o'rganadi.

²Солиев А., Назаров М., Курбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. ЎЗМУ. – Т.; Мумтоз сўз, 2010. 48 б.

Mavzu-1. Mintaqaviy iqtisodiyot fanining predmeti maqsadi va vazifalari.

Mintaqa, hudud, nohiya, iqtisodiy rayon tushunchalariga tavsif bering. Mintaqaviy iqtisodiyot fanining asoschilari kimlar Mintaqaviy iqtisodiyot fanining qaysi fanlar bilan bogliqligi. Mintaqaviy iqtisodiyot fanining asosiy vazifalari.

1-Topshiriq. Mintaqaviy iqtisodiyotning asosiy vazifalarini keltiring.

Muammoni qo`yish	Yakunlovchi hulos	
Mintaqaviy iqtisodiyot fanining asosiy vazifalari.	Yechimning tuzilishi	Hulosa

Mavzu-2. Mintaqalarda ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish va uni hududiy tashkil qilishning ilmiy-uslubiy asoslari.

Ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirish omillarini keltiring va izohlang.

Ishlab chiqarish kuchlarining turlari	Qay holatda ishlatilishi	Yuzaga keladigan muammolar

Mavzu-3.O`zbekiston mintaqalarida sanoat tarmog`ini rivojlantirishning hududiy jihatlari (barcha sanoat tarmoqlari uchun)

1-Masala

Quyidagi ma'lumotlar asosida iqtisodiy ko'rsatkichning bazis va zanjirli o'sish sur'atini hamda qo'shimcha o'sishni aniqlang.

Yillar	1993	1996	2000	2005	2010	2015
Milliy daromad hajmi mlrd.so'm	17,5	20,0	20,4	20,8	21,5	23,3

Masalani javobi:

I a)2,5, b)0,4, v)0,4, g)0,7, d)1,8 - qo'shimcha o'sish.

II 1)14,2, 2)2, 3)0,01, 4)3,3, 5)8,3 – zararli o'sish.

2- Masala

Quyidagi ko'rsatkichlarni aniqlang:

- milliy daromadni;
- aholini jon boshiga to'g'ri keladigan hajmi;
- milliy daromad hajmi;
- 1 so'mlik moddiy xarajatlarga to'g'ri keladigan milliy daromadni.

Berilgan ma'lumotlar:

1.Rejalashtirilayotgan yildagi aholi soni - 27 mln. kishi

2.Rejalashtirilayotgan yildagi mahsulot hajmi – 56 mlrd. so'm

3.Moddiy harajatlar – 31 mlrd. so'm

Masalani javobi: a) 25 mlrd.so'm., b)2,07 mlrd.so'm, v)1,8 mlrd.so'm.

3- Masala

Qo'yidagi ma'lumotlar asosida rejalashtirilayotgan yilda mamlakat milliy daromadi va yalpi milliy mahsulotni aniqlang

1. Iqtisodiyot tarmoqlari bo'yicha mahsulotning rejalashtirilgan hajmi:
 - sanoatda - 7,2 mlrd. so'm;
 - qishloq xo'jaligida – 8,3 mlrd.so'm;
 - kapital qurilishida – 3,0 mlrd.so'm;
 - transport va aloqada – 1,0 mlrd.so'm
 - savdo, nomoddiy ishlab chiqarishning boshqa tarmoqlari - 4,5 mlrd. so'm.

2. Nomoddiy ishlab chiqarish sohasi tarmoqlarida olinadigan foyda – 7,0 mlrd. so'm

Asosiy ishlab chiqarish va noishlab chiqarish fondlarining amortizatsiyasi - 2,2 mlrd. so'm

Masalani javobi: MD q 31 mlrd.so'm. YAIM q 33,2 mlrd.so'm.

4-Masala. Mashinasozlik zavodining tashkiliy tuzilishi quyidagi sexlardan iborat: quyish sexi, temirchi-presslash, model sexi, zagotovka tayyorlash, tajriba, mexanik yig'uv, asbobsozlik sexi, ta'mirlash-mexanik va transport sexlari.

Quyidagilarni aniqlash talab etiladi:

Sanab o'tilgan sexlarni asosiy, yordamchi va xizmat ko'rsatuvchi bo'limlarga bo'ling.

5-masala. Mashinasozlik korxonasida quyidagi ishlab chiqarish bo'limlari va ularda band bo'lgan xodimlar bor:

- quyish sexi – 400 kishi;
- temirchi-presslash sexi – 500 kishi;
- mexanik – 700 kishi;
- yig'uv sexi – 400 kishi;
- ta'mirlash-mexanik – 150 kishi;
- energotsex – 50 kishi;
- ta'mirlash sexi – 100 kishi;
- transport sexi – 70 kishi;
- tipografiya – 30 kishi.

Quyidagilarni aniqlash talab etiladi:

1. Asosiy va yordamchi ishlab-chiqarishda band bo'lgan ishchi-xodimlar sonini aniqlang.

2. Asosiy va yordamchi sexlarda ishlovchilarining umumiy xajmdagi ulushini (foizlarda) toping.

3. Ortiqcha bo'limlarni yo'q qilish uchun qanday chora-tadbirlar talab qilinadi va ular korxona iqtisodiyotiga qay darajada ta'sir ko'rsatadi.

6-masala. Tog'-metallurgiya kombinatining ta'mirlash korxonasida quyidagi sexlar va ishchilar mavjud: po'lat quyish sexi – 72 kishi, rangli metall quyish sexi – 48 kishi, №1-ta'mirlash-mexanik sexi – 106 kishi, №2-tamirlash-mexanik sexi – 34 kishi, №3-tamirlash-mexanik sexi – 52 kishi, asbobsozlik – 85

kishi, elektrkuchlanish sexi - 72 kishi, elektr ta'mirlash – 72 kishi, transport – 180 kishi, lavozimlar uchun maoshlar quyidagicha belgilangan: sex boshliqlari 72,0 ming so'm, iqtisodchilar – 48,0 ming, me'yorlovchilar – 30,5 ming so'm.

Sexlardagi boshqaruv xodimlarning soni quyidagicha: po'lat quyish sexida – 5 kishi, rangli metall quyish – 3 kishi, №1-ta'mirlash-mexanik sexi – 9 kishi, №2-tamirlash-mexanik sexi – 3 kishi, №3-tamirlash-mexanik sexi – 4 kishi, asbobsozlik – 6 kishi, elektrkuch sexi – 2 kishi, elektr ta'mmirlash – 5 kishi, taransport – 9 kishi.

Quyidagilarni aniqlash talab qilinadi:

1. Tog'-metallurgiya kombinatining ta'mirlash korxonasining ishlab chiqarish tizimini soddalashtiring;
2. Har bir sexda bir boshqaruv hodimiga to'g'ri keluvchi ishchilar sonini aniqlang;
3. Korxonaning tashkiliy tizimini yaxshilash hisobiga oylik maosh jamg'armasini tejash imkoniyatlarini aniqlang.
4. Korxonaning tashkiliy tizimi takomillashgandan so'ng va bundan avvalgi ahvol bo'yicha qiyosiy sxemalar tuzishga urinib ko'ring.

7-masala. SHartli ravishda bitta viloyatda zarur bo'ladigan infratuzilmaning umumiy holati tahlilini keltiramiz. SHu asosda talabalar bilan Bozor infratuzilmasi nazariyasi fanining umumiy kategoriyalarini va amal qiluvchi qoniniyatlarini, fanni o'rganish jarayonida foydalaniluvchi tushunchalarning tariflarini o'rganmamiz va iqtisodiy jihatdan tahlil qilish imkoniyati mavjud bo'ladi. Buning uchun quyidagi ma'lumotlar foydalanish uchun taklif etiladi.

1. Aholi soni 1250 ming kishi
2. Hududi 120 km. kv.
shundan:
Quruqlik 110 km. kv.
Tog' hududlari 30 km. kv.
Ekiladigan erlar 40 km. kv.
aholi yashash punktlari 20 km. kv.
boshqalar 20 km. kv.
3. Suv xavzalari (Suv xajmi va foydalanishi shartli ravshda olinadi)
shundan:
Daryolar 2 ta
Kanallar 2 ta
Suv omborlari 4 ta
4. Tumanlar soni 14 ta
5. 560 ta qishloq punktlari mavjud
6. Poytaxt bilan masofa 500 km.
7. O'rtacha yosh tarkibi -30 yoshgacha bo'lganlar 65 %,

8-masala. Aholi uchun oʻrtacha qanaqa ijtimoiy infratuzilma quvvatlari zarur boʻladi.

Jumladan:

Sogʻliqni saqlash punktlari

Sartoroshxona

Mahalla guzarlari

1. Qanday transport infratuzilmasi boʻlganda viloyatda samarali darajada tashkil etilishi mumkin boʻladi.
2. Viloyatda qanaqangi bozor infratuzilmasi shakllanishi kerak boʻladi.

9-masala.

Aholi uchun oʻrtacha qanaqa ijtimoiy infratuzilma quvvatlari zarur boʻladi.

Jumladan:

Maktabgacha taʼlim muassasalari

Umumtaʼlim oʻrta-maktab

Oliy taʼlim muassasasi

2. Qanday transport infratuzilmasi boʻlganda viloyatda samarali darajada tashkil etilishi mumkin boʻladi.
3. Viloyatda qanaqangi bozor infratuzilmasi shakllanishi kerak boʻladi.

10-masala.

Viloyat uchun oʻrtacha qanday ishlab chiqarish infratuzilma quvvatlari zarur boʻladi.

Jumladan:

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik uchun

Yirik ishlab chiqarish birlashmalari uchun

Qanday transport infratuzilmasi boʻlganda viloyatda samarali darajada tashkil etilishi mumkin boʻladi.

Viloyatda qanaqangi bozor infratuzilmasi shakllanishi kerak boʻladi.

11-masala.

Aholi uchun oʻrtacha qanday ijtimoiy infratuzilma quvvatlari zarur boʻladi.

Jumladan:

Madaniyat saroylari

Toʻyxona

2. Qanday transport infratuzilmasi boʻlganda viloyatda samarali darajada tashkil etilishi mumkin boʻladi.
3. Viloyatda bozor infratuzilmasini shakllanishi uchun zaruriy tovar aylanmasi boʻlishi mumkin.

12-masala.

Xudud uchun oʻrtacha qanaqa suvdan foydalanish quvvatlari zarur boʻladi.

Jumladan:

Ichimlik suvi

Сўғорish имкониятлари

2. Qanday transport infratuzilmasi bo'lganda viloyatda samarali darajada tashkil etilishi mumkin bo'ladi.
3. Viloyatda me'yoriy tovar aylanmasi uchun qanday bozorlar bo'lishi talab etiladi. (fond, tovar, valyuta birjasi. ma'lumotlar shartli ravishda aholi soniga va tovar aylanmasiga nisbatan olinadi.)

13-masala.

Xudud uchun o'rtacha qanaqa suvdan foydalanish quvvatlari zarur bo'ladi.

Qanday transport infratuzilmasi bo'lganda viloyatda samarali darajada tashkil etilishi mumkin bo'ladi (omaviy va individual)

Viloyatda me'yoriy tovar aylanmasi uchun qanday bozorlar bo'lishi talab etiladi. (fond, tovar, valyuta birjasi. ma'lumotlar shartli ravishda aholi soniga va tovar aylanmasiga nisbatan olinadi.)

14-masala.

Xudud uchun o'rtacha qanday uy joy qurilishi zarur bo'ladi.

Qanday moliyaviy infratuzilma samarali bo'lishi mumkin.

Viloyatda bozor infratuzilmasini samarali tashkil etish uchun yana qanday tizimlarni bo'lishini maqsadga muvofiq deb hisoblaysiz.

15-masala

Озик овқат саноати корхонаси шартнома тузиш учун ҳамкор давлатни танланг

Куйидаги шартлар асосида:

№	Баҳолаш мезонлари	Ҳамкор - давлатлар		
		А	В	С
1.	Савдо-сиесий муносабатлар	Савдо муносабатлари минимал	Яхши савдо шартномаси	Мустаҳкам савдо шартномаси
2.	Берилган маҳсулот бўйича рақобат	Рақобат йўқ	Рекламанинг йўқлиги	Нарх-наво уруши
3.	Тижорат таваккалчилиги	Минимал	Фойдани олиб чиқиш билан боглиқ таваккалчилик	Етказиб бериш билан боглиқ таваккалчилик
4.	Тижорат келишувидан кутилаётган рентабеллик	20%	10%	7%
5	Ҳамкор корхонанинг	Стабил	Банкротлик ҳолатида	Стабил

	молиявий ҳолати			
6.	Ҳамкор корхонанинг обруси	Вазифаларини виждонан бажаради	Маълумот йўқ	Тўланмаган тўловларига эга

Берилган маълумотларга асосланиб 1дан 5гача балл тизимида баҳоланг, энг
маъқулини танланг.

Ҳамкор давлатни аниқлаш кўрсаткичлари

№	Баҳолаш мезонлари	Белгил.коэф.	Ҳамкор -давлатлар		
			А	В	С
1.	Савдо-сисий муносабатлар	0,1			
2.	Берилган махсулот буйича рақобат	0,1			
3.	Тижорат таваккалчилиги	0,2			
4.	Тижорат келишувидан кутилаётган рентабеллик	0,1			
5	Ҳамкор корхонанинг молиявий ҳолати	0,2			
6.	Ҳамкор корхонанинг обруси	0,3			
	Баллар йигиндиси	1,0			

Масала

Шартнома тузиш учун ҳамкор давлатни танланг.

16-masala.Sanoat korxonalarida mahsulot ishlab chiqarishni tahlil qilish

Topshiriq: Korxonada qo'llaniladigan texnologik jarayonlar darajasiga baho berilsin. Attestatsiya natijalari umumlashtirilgan bo'lib, 1-jadvalda taqqoslangan tarzda berilgan.

1-jadval

Ko'rsatkichlar	Berilgan guruhi (darajasi)	1	2	3	4	5
1	2	3	4	5	6	7
Liniya uchastkasi		10,0	15,0	20,0	10,0	25,0
1-mexanika sexi		10,0	15,0	20,0	20,0	10,0
2-mexanika sexi		20,0	20,0	15,0	15,0	10,0
Sovuqligicha shtamplash uchastkasi		15,0	10,0	15,0	20,0	10,0
Bo'yoqchilik uchastkasi		10,0	10,0	5,0	15,0	10,0
Plastmassadan qismlar tayyorlaydigan sex		7,0	5,0	8,0	3,0	5,0
Gal'vanik qoplama uchastkasi		3,0	7,0	2,0	1,0	3,0
Asbobsozlik sexi		5,0	3,0	5,0	1,0	2,0
Yig'ish sexi		20,0	15,0	10,0	15,0	20,0

Uslubiy ko'rsatmalar

Umuman, korxonada mahsulot ishlab chiqarishdagi texnologiya darajasi ma'lumotlarga asoslanib aniqlanadi va me'yoriy qiymatlarga solishtiriladi.

$$D_m = (0,5 \cdot V + 2 \cdot I + 3 \cdot N) / 100$$

Bu yerda:

B – yuqori guruhga kiritilgan, ya'ni yuqori darajali, attestatsiyadan o'tgan ob'ektlarning mahsulot ishlab chiqarish umumiy hajmidagi solishtirma vazni;

I – birinchi guruhi kiritilgan birinchi daraja ob'ektlar haqida ma'lumotlar;

H – attestatsiyadan o'tishi lozim bo'lgan, lekin o'tmagan ob'ektlarning solishtirma vazni korxonaning ishlab chiqarish texnologiyasi darajasiga baho berish uchun foydalaniladigan ma'lumotlar.

Korxonaning ishlab chiqarish texnologiyasi darajasiga baho berish uchun foydalaniladigan ma'lumotlar:

darajani belgilovchi ko'rsatkichlar

1,00-1,40

1,41-2,41

2,41-3,00

daraja guruhi

B

I

H

Hosil bo'lgan ma'lumot tegishli aniqlagichlar (raqamlar) bilan solishtirib, korxonaning mahsulot ishlab chiqarish hajmi (darajasi) aniqlansin hamda zarur xulosaga kelinsin.

Mavzu-4: O'zbekiston transporti, infratuzilmasi rivojlanishining mintaqaviy rivojlanish hususiyatlari

Topshiriq: Rejalashtirilayotgan yilda temir yo'l transportida qancha yuk tashish talab qilinganligi hisoblab chiqarilsin.

1-jadval

Rejalashtirilayotgan davrda muhim turdagi mahsulotlar ishlab chiqarish va iste'mol qilish balansi

Yuklar	Resurslar			Taqsimlash				Umumiy foydalanish uchun ko'zlangan transportda tashilishi lozim	
	Rejalashtirilayotgan yil boshidagi qoldiqlar	Ishlab chiqarish (qazib olish)	Jami	Ishlab chiqarilgan joyida iste'mol qilish	Rejalashtirilayotgan yil oxiridagi qoldiqlar	Korxonalarga tegishli transportda tashish	Jami	Jami	Shu jumladan, temir yo'l transportida
Toshko'mir	20	770		25	10	5			
Neft	40	420		14	10	6			
Qora metallar	5	130		3	5	2			
O'rmon mahsulotlar	20	520		16	18	6			
Nonlar, don, g'alla kabi yuklar	40	240		30	45	5			

Mineral o'g'itlar	5	105		4	3	3			
Boshqalar	80	3200		90	80	30			
Jami									

2-jadval

Yuklarning nomi	Umumiy foydalanilayotgan transportda tashilishi lozim, jami	Hamma turdagi transportlarda yuk tashish umumiy hajmida temir yo'l transportida tashiladigan yuklarning solishtirma vazni, %	Temir yo'l transportida yuklar tashilishiga bo'lgan ehtiyoj mln.t.
Toshko'mir		80	
Neft mahsulotlari		75	
Qora metallar		96	
O'rmon mahsulotlaridan iborat yuklar		40	
Nonlar, don, g'alla kabi yuklar		75	
Mineral o'g'itlar		90	
Boshqa xil yuklar		90	
Jami			

3-jadvaldagi ma'lumotlardan foydalanib, rejalashtirilayotgan yilda temir yo'lda qancha yuk tashilishi (hajmi) aniqlansin va olingan natijalar 4-jadvalda aks ettirilsin.

4-jadval

Temir yo'l transportida yuk tashish oborotini hisoblab chiqarish

Ko'rsatkichlar	Toshko'mir	Neft mahsulotlari	Qora metallar	O'rmon mahsuloti	Non, don va g'alla kabi yuklar	Mineral o'g'itlar	Boshqaxildagi yuk	Jami
Yuk tashish mln.t.								
Yuk tashiladigan o'rtacha masofa, km	1000	1200	1400	1500	1100	1000	700	
Yuk tashish oborotining hajmi, mlrd.tkm								

3-jadval

Tumanlararo toshko'mir almashish rejasi

Yetkazib beruvchi (jo'natuvchi tuman)	Umumiy hajmdagi solishtirma vazni, %	Qabul qilib oluvchi tumanlar						
		A	B	V	G	D	E	Boshqalari (qolganlari)
A	5	10					5	
B	40	20	140	10	10	-	10	
V	5			10	15			
G	15			55		5		
D	15					70	5	
E	10						30	
Qolganlari	10	10			15	20	10	
Jami	100	40	140	75	40	95	60	

Mavzu-5. Mintaqalar aholisi va mehnat resurslari.

Topshiriq: Quyidagi ma'lumotlardan foydalanib, ishlab chiqarishni va mehnatni tashkil etish darajasini vaqti-vaqti bilan baho berib turish natijasida to'plangan ma'lumotlar bo'yicha aniqlang.

4-jadval

Ko'rsatkichlar	Daraja (guruh)			Belgilangan daraja	Ko'rsatkichning solishtirma vazni, %				
	B	I	H		Variantlar				
					1	2	3	4	5
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Mahsulot ishlab chiqarish daromadini ifodalovchi koeffitsient	0,9 dan ko'p	0,7 0,9	0,7 gacha	H	15	20	25	15	20
Mexanizmlarni, ishchilarning ishga jalb etilish darajasi	0,75 dan ko'p	0,65 0,75	0,65 gacha	B	20	25	25	25	20
Ko'tarish-tashish hamda omborxona ishlarining mexanizatsiyalashtirilish darajasi	60,0 dan ko'p	0,50 0,60	0,50 gacha	H	10	5	10	15	10
Boshqarishga oid ishlarning mexanizatsiyalashtirish darajasi	0,50 dan ko'p	0,40 0,50	0,40 gacha	I	5	5	3	5	3
Ish joylari va ish uchastkalarining tashkil etilish darajasi	0,85 dan ko'p	0,70 0,85	0,70 gacha	I	20	25	20	15	20
Ish joylariga xizmat ko'rsatish darajasi	0,90 dan ko'p	0,70 0,90	0,70 gacha	B	10	5	10	10	15
Mehnatning taqsimlanish va kooperativlashtirilish darajasi	0,25 dan ko'p	0,15 0,25	0,15 gacha	I	15	14	5	10	10
Mehnat me'yorining belgilanish darajasi	0,80 dan ko'p	0,70 0,80	0,70 gacha	B	5	2	2	5	5

Uslubiy ko'rsatmalar

Korxonada mahsulot ishlab chiqarishni va mehnatni tashkil etish darajasi umuman quyidagi formula yordamida aniqlanadi:

$$D = \{(B_1 + B_2 + \dots + B_n) \cdot a + (I_1 + I_2 + \dots + I_n) \cdot b + (H_1 + H_2 + \dots + H_n) \cdot v\} / 100$$

Bu yerda:

H – mazkur ko'rsatkich belgilangan turkum qiymati (B-1; I-2; H-3);

a, b, v – mazkur ko'rsatkichning jami solishtirma vazni (B, H guruhlarga muvofiq ravishda).

Hisoblab chiqarilgan ma'lumotlarni tegishli aniqlagichga solishtiramiz, mahsulot ishlab chiqarish va mehnatning tashkil etilish darajasini aniqlaymiz.

Mavzu-6.Mintaqalarda qishloq xo'jaligining ixtisoslashuvi

KEYS STADI

“Agrar sektorni isloh qilish”

Kirish

Mamlakatimizda 2009 yilni Prezidentimiz I.Karimov tomonidan “Qishloq taraqqiyoti va farovonligi yili” deb e'lon qilinganligi agrar sektorda yangi tashkil qilinayotgan va faoliyat ko'rsatayotgan tadbirkorlik sub'ektlariga har tomonlama qulay shart-sharoitlar hamda imkoniyatlar yaratib berdi.

Quyidagi ma'lumotda “QURBON OTA” agrofimasining ish faoliyati haqida asosiy tushunchalar, xo'jalikda mehnat qiluvchi mutaxassislar, chiqarilayotgan mahsulotlar va boshqalar haqida ma'lumotlar berilgan.

Korxona biznes-rejaga asosan qishloq xo'jaligi mahsulotlari ya'ni xo'l mevalarni qayta ishlashga ixtisoslashgan bo'lib, asosan yakuniy mahsulot sifatida quruq mevalar va pecheni mahsulotlarini ishlab chiqarishga qaratilgan. Mazkur mahsulotlarning iste'molchilarga etkazilishi ushbu hududda turdosh korxonalarning o'zaro raqobatini kuchaytiradi. Natijada bozorda mahsulotlarning sifati yaxshilanib, narxlarning pasayishiga olib keladi.

Keysda o'qitishning asosiy maqsadi – iqtisodiyotni rivojlantirishda agrar sektorning roli, agrofimalar faoliyatini muvaqqatli tashkil etish va olib borish, korxonaning asosiy va aylanma kapitali hamda uning ko'payishi, korxona istiqbolini belgilash va raqobatda muvaffaqiyat qozonish kabi bilimlarni shakllantirish, har tomonlama chuqur o'rganish, umumlashtirish, ilmiy tahlil etish asosida, ularning hozirgi davrida ahamiyati ochib berishdan iborat.

Keysda masalaning echimi orqali talaba quyidagi natijalarga erishishi mumkin:

- Agrar munosabatlar tushunchasiga to‘g‘ri ta’rif bera oladi;
- Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarish munosabatlari nimadan iborat ekanligini aniqlay oladilar;
- Rentaning iqtisodiy mazmuni va turlarini bilib oladi;
- Agrosanoat mujmuasi to‘g‘risida tasavvruga ega bo‘ladilar;
- Agrobiznesning asosiy turlarini va faoliyat doiralarini ajrata oladilar;
- Agrofirmalar faoliyati bo‘yicha me’yoriy xujjatlarni, umumiy qoidalarni biladilar.

“QURBON OTA” agrofirma faoliyati strategiyasini tanlash

Tashkilotning manzili:

“QURBON OTA” agrofirma Xorazm viloyati, Xazarasp tumani, To‘rtko‘l ko‘chasi №3 uy.

Tashkilotning to‘liq nomlanishi:

“QURBON OTA” agrofirma.

Tashkilotning tashkil etilgan yili:

“QURBON OTA” agrofirma Xorazm viloyati, Xazarasp tumani hokimining 2006 yil 28 martdagi 35-sonli qaroriga asosan ro‘yxatga olingan.

Tashkilotning shakli:

“QURBON OTA” agrofirma yuridik shaxs maqomiga ega bo‘lib, Xorazm viloyati, Xazarasp tumani hokimining 2006 yil 28 martdagi 35-sonli qaroriga asosan ro‘yxatga olingan.

Tashkilotning faoliyat turi:

“QURBON OTA” agrofirma quyidagi faoliyat turlari bilan shug‘ullanadi:

- olma, o‘rik va boshqa turdagi xo‘l mevalarni qayta ishlash va quruq mevalarni ishlab chiqarish.
- Turshak va pecheni mahsulotlarini ishlab chiqarish, saqlash, ulgurji savdoni tashkil etish hamda o‘z savdo shaxobchalari orqali chakana savdoni xam tashkil etish;
- savdo do‘konlarini tashkil qilish va savdo-sotiq faoliyati bilan

shugʻullanish hamda maishiy xizmat shaxobchalari ochish;

- iqtisodiy faoliyatni amalga oshirish va raqobatbardosh mahsulotlarini koʻpaytirib, respublikaning barcha xududlarida, oʻz filiallarini, savdo shaxobchalarini tashkil etish.

Korxonaning faoliyati xoʻl mevalarni qayta ishlash ga ixtisoslashgan boʻlib, ushbu firma oʻzida bir nechta xususiy tadbirkorlar va dexqon, fermer xoʻjaliklarini birlashtirib, tayyor maxsulot quruq mevalar, pecheni mahsulotlarini ishlab chiqarish bilan shugʻullanadi. Ushbu firma xoʻjaligi dastlab olma va urik turshaklarini ishlab chiqargan boʻlsa, hozirda 8 xildagi turshak, 2 xildagi tomat va 3 xildagi pecheni mahsulotlarini ishlab chiqarishni yoʻlga qoʻyilgan.

Tashkilotning maqsad va vazifalari:

- ishlab chiqarishni yanada kuchaytirish va respublika miqyosda kengaytirish;
- respublika aholisini oʻzining sifatli mahsulotlari bilan taʼminlash;
- joylarda savdo shaxobchalarini tashkil etish va qulay sharoitda aholiga keng xizmat koʻrsatish;
- xorijiy mamlakatlarga oʻz mahsulotlarini eksport qilish.

“QURBON OTA” agrofimasining boshqaruv tizimi haqida maʼlumot

Tashkilotning boshqaruv tuzilishi:

“QURBON OTA” agrofimasi yuridik shaxs maqomiga ega xususiy korxona hisoblanadi va Xorazm viloyati, Xazarasp tumani hokimining 2006 yil 28 martdagi 35-sonli qarori bilan roʻyxatdan oʻtgan nizomining V bandiga asosan ish yuritadi. “QURBON OTA” agrofimasida 20 ishchi va xizmatchilar faoliyat olib boradilar. “QURBON OTA” agrofimasi oʻz oldiga aholini toza va sifatli goʻsht mahsulotlari bilan taʼminlash, shuningdek korxonani raqobatbardosh boʻlishini maqsad qilgan.

Tashkilotning chet el bilan hamkorligi:

“QURBON OTA” agrofimasi tashkil etilgandan buyon Gollandiyaning “AGROFOOD” korporatsiyasi bilan samarali hamkorlikni yoʻlga qoʻygan. Korporatsiya mutaxassislarini Oʻzbekistonga taklif qilib korxonaning ishchi va xizmatchilari malakasini oshirish maqsadida darslar, bozorlarni oʻrganish maqsadida tadqiqotlar olib borildi.

“QURBON OTA” firmasida ishlab chiqarilayotgan mahsulot turlari 10 xildan ortiq. Uning 2008 – 2009 yilda ishlab chiqarilgan mahsulot haqida maʼlumot (1-jadval)da keltirilgan.

1-jadval

**“QURBON OTA” agrofirkasida ishlab chiqarilgan mahsulotlar haqida
ma’lumot (kg)**

Mahsulot nomi	2014	2015	2015 yilda 2014 yilga nisbatan %
I. Quruq mevalar			
Anjir turshagi	5600	7350	131,25
SHAftoli turshagi	3100	5600	180,6
O‘rik turshagi	1400	2100	150
Aralash turshak	9000	12000	133,3
Olma turshagi	1600	2300	143,75
Mag‘izli turshak	3000	4500	150
So‘poqli turshak	2000	3600	180
Mayiz	5000	7600	152
II. Tomat pastasi			
Oddiy tomat	4200	6300	150
Ketchup	2300	3100	134,7
III. Pecheni mahsulotlari			
Qaymoqli pechene	2600	4300	165,4
Asalli pechene	3400	5100	150
Yong‘oqli pechene	2350	3500	148,8
Jami:	45550	67350	147,8

2-jadval

**“QURBON OTA” agrofirkasining mahsulotlarining narxlari 2015 yil
(so‘mda)**

Mahsulot nomi	Ulgurji narx	Chakana narx
I. Quruq mevalar		
Anjir turshagi	1200	1800
SHAftoli turshagi	1750	3400
O‘rik turshagi	1850	3700
Aralash turshak	1300	1900
Olma turshak	2700	10800
Mag‘izli turshak	2100	6200
So‘poqli turshak	1900	3800

Mayiz	800	2600
II. Tomat pastasi		
Oddiy tomat pastasi	500	1200
Ketchup	700	1500
III. Pecheni mahsulotlari		
Qaymoqli pechene	850	1500
Asalli pechene	875	1650
Yongʻoqli pechene	900	1750

3-jadval ma'lumotlari "QURBON OTA" agrofirmasining raqobatbardoshligini ifodalaydi.

3- jadval

Raqobatlashuvchi korxonalar kuchli va zaif tomonlarini baholash

Tavsiflar	Baholash, ballda				
	yomon		yaxshi		
	1	2	3	4	5
I.Tovar					
1.Yangiligi darajasi			3		
2.Mahsulot sifati				4	
3.Tarkibi			3		
4.Oʻrab-joylanishi				4	
5.Ekologiya sofligi			3		
6.Kaloriyasi		2			
II.Ishlab chiqarish					
1.Ishlab chiqarish quvvatidan foydalanish			3		
2.Asbob-uskuna yoshi			3		
3.Bir ishlovchiga toʻgʻri keladigan sotuv hajmi			3		
4.Sifat nazorati		2			
5.Ishlovchilar soni		2			
6.Yangi tovarlar yaratish imkoniyati		3			
7.Ishlab chiqarish bevosita xarajatlari		2			
III.Marketing		2			
1.Korxona tomonidan nazorat olgan bozor ulushi		2			
2.Mahsulot narxi		2			
3.Sotishni tashkil etish		2			
4.Reklama faoliyati		2			
IV.Moliyaviy holati					
1.Aktiv tarkibi		2			
2.Sotuv hajmining aktivlarga nisbati			3		
3.Investitsiya resurslari			3		

4.O'z mablag'i miqdori			3		
V.Texnologiya					
1.Yangiliklarga intilish					5
2.Qo'llanilayotgan texnologiya tipi				4	
3.Muxandis-konstruktor bazasi				4	
«Urganch mevalari» firmasi				4	
“Xazarasp olma” firmasi				4	
“Turkiston” firmasi				4	

O'zining zaif tomonlarini aniqlab, har bir korxona o'zini ushbu jihatlar bo'yicha himoyalash strategiyasini ishlab chiqishlari hamda o'zining kuchli tomonlarini yanada kuchaytirmog'i lozim bo'ladi.

Talabalarga beriladigan mulohaza uchun savollar

1. Agrar sektorning imkoniyatlarini real xolatni kuzatib, baholash.
2. Agrobiznesning yangi turlarini o'ylab toping.
3. Agrofimalarda kapitalning miqdoran ko'payish bosqichini aniqlash.
4. Agrofimalar faoliyatining samaradorligi qanday aniqlanadi.

II. TALABALAR UCHUN USLUBIY QO'LLANMALAR

Muammo:

“QURBON OTA” firmasining bu darajaga erishish sabablarini ayting va uning bozordagi ulushini kengaytirish bo'yicha strategik vazifalari nimalardan iborat deb o'ylaysiz?

Kichik muammolar:

1. “QURBON OTA” agrofimasining kapitali tarkibi nimalardan iborat ?
2. “QURBON OTA” agrofimasining bu darajaga erishish sabablarini ayting va u qaysi mahsulot turlari bilan raqobatda ishtirok etmoqda?
3. “QURBON OTA” agrofimasining bozordagi ulushini kengaytirish bo'yicha strategik vazifalari nimalardan iborat deb o'ylaysiz va sizning tavsiyalariniz?

Vazifalar:

- Iste'molchilar talablari, istak va hohishlarini o'rganib chiqish.
- Iste'molchilar guruhlarini aniqlash va tovarga bo'lgan munosabatini o'rganish, hamda o'zgartirish yo'llari aniqlash.
- Bozorda tovarlarni joylashtirish va tovarlar assortiment siyosatiniini

o'rganib chiqish.

- Tovarlar strategiyasini ishlab chiqish va tovarlar modifikatsiyasini, hamda yangi tovar ishlab chiqish g'oyalarni o'rganib chiqish.
- Korxonaning moliyaviy tahlili asosida raqobatbardoshlik strategiyasini aniqlash.
- Korxonani raqobatbardoshlik tahlili asosida, raqobat firmalar mahsulotlarini solishtirma tahlilini ishlab chiqish.
- Statistik, moliyaviy va muqobil tahlillarga asoslanib ushbu korxonaning tovarlar assortimenti strategiyasini ishlab chiqish.

Holatiy tahlil va muammoni echish varaqasi

Tahlil bosqichining nomi	Tahlil bosqichining mazmuni	Tahlil bosqichi	Baholash mezonlari
1. Keys bilan tanishish	“QURBON OTA” agrofirmasining u bilan turdosh mahsulot ishlab chiqaruvchi boshqa agrofirmlar o'rtasidagi reytingini aniqlaymiz. Ushbuni aniqlash uchun turli statistik ma'lumotlar keltirilgan.		0.5 ball
2. Muammoni asoslanishi	Agrofirma daromadining qaysi mavsumda ko'payishini aniqlaymiz.		1 ball
3. Holatiy tahlil	1. Holatning aniq ko'rinishi va masalaning hal etilishi, echilishi uchun aniq ma'lumotlar. 2. Holatning eng muhim xususiyatlari: Nima bo'lmoqda? Holatning natijalarini shakllanishi qanday?		1 – 0.5 ball 2 – 1 ball
4. Muammoning shakllanishi	Muammoda aks ettiruvchi asosiy xususiyatlar: - A)korxonaning raqobatbardoshlik holatini aniqlash; - B) tovarlar nomenklaturasi va assortimenti siyosatiga e'tibor berish; - V) iste'molchilarni guruhlariga bo'lib o'rganish;		A) – 0.5 ball B) – 0.5 ball V) – 1 ball

5. Bozor kon'yunkturasi holatning o'rganish	Bozordagi raqobatbardosh mahsulotlarning holatini aniqlash va ularning afzallik yoki talabga javob berish holatini o'rganib chiqish.		2 ball
6. Korxonalarni taqqoslash yoki ularning bozordagi o'rnini egallashi	A) Raqobatchi korxonalarning bozordagi mavqeini aniqlash; B) Taqqoslash natijalari aniqlanadi		A) 1.0 ball B) 1.5 ball
7. Korxonaning SWOT tahlili yoki mavjud bo'lgan usullarda echish	1) Raqobatbardosh korxonalar korxonalarning kuchli va zaif tomonlarini aniqlash. 2) Ushbu tahli asosida korxonaning imkoniyatlarini aniqlash.		1) 1.5 ball 2) 2 ball
8. Echimni ishlab chiqish	Masalaning echimini hal qilmoq va ishlab chiqish, tovarlar assortimenti strategiyasini ishlab chiqish.		2 ball

O'quv - uslubiy materiallar

Iqtisodiy qonunlar va kategoriyalarning amal qilishi iqtisodiyotning barcha sohaları, tarmoqlari va bo'g'inlari uchun umumiy bo'lsada, lekin ulardagi tabiiy va ijtimoiy-iqtisodiy sharoitga bog'liq holda o'ziga xos xususiyatlar ham kasb etadi. Ayniqsa, bu o'ziga xos xususiyat agrar sohada yaqqol namoyon bo'ladi. Chunki bu erda takror ishlab chiqarish ko'p jihatdan tirik organizm (hayvon, o'simlik va boshqalar) bilan ham bog'liq.

Agrar sohada ishlab chiqarish ko'p jihatdan er bilan bog'liq bo'ladi. Erga egalik qilish, tasarruf etish va undan foydalanish bilan bog'liq bo'lgan munosabatlar **agrar munosabatlar** deyiladi.

O'zbekistonda er davlat mulki hamda umummilliy boylik bo'lganligi sababli erga bo'lgan mulkchilik, erga egalik qilish va erdan foydalanish masalalari alohida ajratib tahlil qilinishi lozim.

Erga egalik jismoniy va huquqiy shaxslarning ma'lum er uchastkasiga tarixan tarkib topgan asoslardagi yoki qonun hujjatlarida belgilangan tartibdagi egalik huquqini tan olishini bildiradi. Erga egalik deganda avvalo erga bo'lgan

mulkchilik huquqi va uni iqtisodiy jihatdan realizatsiya qilish koʻzda tutiladi. Erga egalikni eri boʻlgan mulkdor (bizda davlat) amalga oshiradi. Oʻzbekiston Respublikasining Er kodeksida taʼkidlanganidek «Er uchastkalari yuridik va jismoniy shaxslarga doimiy va muddatli egalik qilish hamda ulardan foydalanish uchun berilishi mumkin».¹

Erdan foydalanish huquqi – bu oʻrnatilgan urf-odatlar yoki qonuniy tartibda undan foydalanishni bildiradi. Erdan foydalanuvchi er egasi boʻlishi shart emas. Real xoʻjalik hayotida erga egalik qilish va erdan foydalanishni koʻpincha har xil jismoniy va huquqiy shaxslar, xususan hozir bizda asosan dehqon va fermer xoʻjaliklari amalga oshiradi.

Tadbirkorlik faoliyatining qishloq xoʻjalik sohalaridagi shakli **agrobiznes** koʻrinishida namoyon boʻladi. Agrobiznes tushunchasiga qishloq xoʻjaligi bilan bogʻliq boʻlgan faoliyat bilan shugʻullanuvchi biznes turlari ham kiritiladi. Bu qishloq xoʻjaligiga texnikaviy, taʼmirlash xizmat koʻrsatish, uning mahsulotlarini qayta ishlash va isteʼmolchilarga etkazib berish bilan bogʻliq boʻlgan tadbirkorlik faoliyatidir. Qisqacha qilib aytganda, agrobiznes agrosanoat integratsiyasi natijasida vujudga kelgan agrosanoat majmuasining barcha boʻgʻinlarni qamrab oladi.

“Mintaqaviy iqtisodiyot” fanidan mustaqil ishni bajarish tartibi va vazifalari variantlar bo'yicha

**Mavzu: AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” -----
temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni
rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.**

Mustaqil ishning rejasi quyidagilardan iborat:

1. Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyaning ta’rifi, infratuzilmasining rivojlanishi:

- Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyaning xududiy-ma’muriy tarkibi;
- Foydali qazilmalari;
- Aholisining soni, dinamikasi;
- Sanoati va qishloq xujaligining rivojlanishi;
- Noxiyaning rivojlanish istiqboli
-
-
-
-
-
-

2. Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyaning transport infratuzilmasining xolati:

- Temir yo‘l transportining chegaralari, uzunligi, o‘ziga xos xususiyatlari;
- Avtomobil yo‘llari, turlari uzunligi;
- Xavo transporti, aeroportlar ularning xususiyatlari;
- Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyada temir yo‘l zichligini aniqlash (1-jadval)

3. Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyadagi transport balansini xisoblash

- Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyadan jo‘natiladigan asosiy yuklarni aniqlash;
- Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyaga tashib keltiriladigan asosiy yuklarni aniqlash;
- Transport balansini xisoblash, asosiy va boshqa yuklarni taxlil qilish.

4. Temir yo‘l xizmat ko‘rsatadigan noxiyaning xarita sxemasini chizish (temir yo‘l, avtomobil yo‘llari atlasidan, O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiy xaritasidan foydalangan holda chiziladi)

Shuningdek, chegaralar, asosiy stansiyalar, noxiyaning ishlab chiqarish infratuzilmasi xaritaga tushiriladi.

Mustaqil ishga mavzular fan o‘qituvchisi tomonidan belgilab beriladi, A4 formatidagi listlarga eziladi.

Mustaqil ishni bajarish uchun variantlar:

1. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Toshkent-Jizzax temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
2. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Toshkent-Mexnat temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
3. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Toshkent-Xodjiken temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
4. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Andijon-Asaka temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
5. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Angen-Pop temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
6. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Karshi-Kitob temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
7. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Boysun-Qumqurgon temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
8. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Nukus-Uchkuduk temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
9. AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Toshkent-Samarqand temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.

- 10.AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Samarqand-Jizzax temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.
- 11.AJ “O‘zbekiston temir yo‘llari” Xonobod-Andijon temir yo‘l qismiga tortilgan noxiyaning infratuzilmasini o‘rganish, va uni rivojlantirish yo‘llarini aniqlash.

1-jadval

Temir yo‘l bo‘limi xizmat ko‘rsatadigan nohiyadagi aholi soni va aholining joylashish zichligi

Yil	Temir yo‘l bolimi xizmat ko‘rsatadigan nohiya hududidagi ma‘muriy qismlar	Maydoni (hududi), ming kv. km.	Aholining soni (ming kishi)			Aholining o‘rtacha joylashish zichligi (1 km)
			Jami (ming kishi)	Shahar aholisi (ming kishi)	Qishloq aholisi (ming kishi)	

2-jadval

Nohiyaning ma‘muriy qismlarida Temir yo‘l transporti zichligini hisoblash

Nohiyaning ma‘muriy qismlarining nomi	Maydonining kattaligi (ming kv. km)	Foydalaniladigan temir yo‘lning uzunligi (km)	1000 km maydonga to‘g‘ri keladigan zichligi (km)

--	--	--	--

3-jadval

Temir yo'l bo'limiga tortilgan nohiyadan jo'natilgan muhim yuklar

Ma'muriy qismlarning nomi	Yuklar nomi										
	Toshko'mir	Koks	Neft va neft mahsulotlari	Ma'dan (ruda)	Qora metallar	Yog'och-taxtalar	Mineral binokorlik materiallari	Kimyoviy va mineral o'g'itlar	G'alla don mahsulotlari	Jami asosiy yuklar	Boshqa yuklar
Nohiya bo'yicha jami Σ_x											

4-jadval

Temir yo'l bo'limiga tortilgan nohiyaga tashib keltirilgan muhim yuklar

Ma'muriy qismlarning nomi	Yuklar nomi
---------------------------	-------------

	Toshko'mir	Koks	Neft va neft mahsulotlari	Ma'dan (ruda)	Qora metallar	Yog'och-taxtalar	Mineral binokorlik materiallari	Kimyoviy va mineral q'og'itlar	G'alla don mahsulotlari	Jami asosiy yuklar	Boshqa yuklar
Nohiya bo'yicha jami Σ_x											

5-jadval

Temir yo'lga tortilgan nohiya transportdagi mutanosiblik (balansi)

Ma'muriy qismlarning nomi	Yuklar nomi			
	Yuk jo'natish, ming tonna	Yuk tashib keltirish, ming tonna	Yuk jo'natishning yuk keltirishga nisbati, %	Yuk jo'natishning yuk tashib keltirishga nisbatan ortishi (+); yuk tashib keltirishning yuk jo'natishga nisbati ortishi (-)
Nohiya bo'yicha jami Σ_x				

6-jadval

O'zbekiston temir yo'llarining yuklarni ma'muriy birliklarda jo'natishi va qabul qilishi, ming t (raqamlar shartli)

Yuklar nomi	Viloyatlar											
	Andijon		Buxoro		Jizzax		Qashqadaryo		Namangan		Navoiy	
	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	Keldi
Hamma yuklar	1240	4400	2200	5300	2500	4000	6600	8000	1900	4600	9000	7500
Ko'mir		500		190		120	1300	220		600		120
Neft		800	900	600		450		900		700		750
Rangli metall					1300	200						
Qora metall		190		150		80		175		120	50	200
Yog'och		200		600		200		500		800		400
Sement		300		190		150		450		330	2500	190
Mineral o'g'itlar		300		250		170		300		250	1200	135
Don	150	550	50	300	100	200	100	480	150	500	140	250

6-jadval davomi

Yuklar nomi	Viloyatlar													
	Samarqand		Surxondaryo		Sirdaryo		Toshkent		Farg'ona		Xorazm		Qoraqalpog'iston Respublikasi	
	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	keldi	jo'n	Keldi
Hamm a yuklar	5300	8500	5000	6000	800	5000	30000	30000	13000	16000	900	6000		6700
Ko'mir		500	200	200		150	5000	4000		900		175		200
Neft		900	100	1200		1300	700	3000	7500	9000		475		700
Rangli metall							350	1500		80				
Qora metall		236	60	120		70	1200	2100		190		103		152
Yog'och		320		400		200		1200		800		400		60
Sement		350		300		160	150	1400	600	325		250		325

Minera l o'g'itla r		250		300		200	16000	1900	1100	710		350		400
Don	100	700		150	90	225	5000	1500	250	800	230	350		235

“Mintaqaviy iqtisodiyot” fanidan savollar

1. “Ishlab chiqarish infratuzilmasi” fanining mazmuni, maqsadi va asosiy vazifalari (infratuzilma, ishlab chiqarish infratuzilmasi, infratuzilmani shakllantirish).
2. “Ishlab chiqarish infratuzilmasi” fanining mohiyati va uning boshqa fanlar bilan aloqasi (infratuzilma, ishlab chiqarish infratuzilmasi, infratuzilmani shakllantirish, ijtimoiy infratuzilma, mahalliy infratuzilma, xalqaro infratuzilma, infratuzilma nazariyasi).
3. Bozor iqtisodiyoti sharoitida ishlab chiqarishda infratuzilmaning ahamiyati va tashkil etish zarurligi (infratuzilma, ishlab chiqarish infratuzilmasi, ijtimoiy infratuzilma).
4. Milliy iqtisodiyot va uni rivojlantirishning zaruriyati (milliy iqtisodiyot, sanoat, yalpi milliy mahsulot, milliy davromad, xalq iste'moli tovarlari, aholi farovonligi).
5. Milliy iqtisodiyotni rivojlanishida ishlab chiqarishning roli (milliy iqtisodiyot, ishlab chiqarish, daromad, milliy boylik, milliy pul birligi, inflyasiya darajasi, yalpi milliy mahsulot).
6. Ishlab chiqarish tarkibi va ularni rivojlantirish (sanoat, ishlab chiqarish, iqtisodiyotning real sektori, moliyaviy sektor, ishlab chiqarishni rivojlantirish tamoyillari).
45. Ўтган йили маҳаллийлаштириш дастури бўйича нечта лойиҳа амалга оширилган ва унинг натижаси нима бўлган?
*А) 640 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2 баробарга кўпайди
Б) 840 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,3 баробарга кўпайди
В) 750 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,5 баробарга кўпайди
Г) 500 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,3 баробарга кўпайди

№1 Fan bobı – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига 2009 йилда қандай имтиёзлар берилди?
*А) 3 йил муддатга ҚҚС солиғидан озод этилди
Б) 2 йил муддат акциз солиғидан озод этилди
В) 5 йил муддатга барча солиқ турларидан озод этилди
Г) 3 йил муддатга фойда солиғидан озод этилди

№1 Fan bobı – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

Бугунги кунда ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши нимага тенг?
*А) 48,3 % га
Б) 52 % га
С) 45,3 % га
Г) 50 % га

№1 Fan bobı – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида нечта инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва уларнинг қанчаси ижобий яқунланган?

*А) 690 та лойиҳа амалга оширилди ва 303 таси ижобий якунланди
Б) 590 та лойиҳа амалга оширилди ва 203 таси ижобий якунланди
В) 700 та лойиҳа амалга оширилди ва 403 таси ижобий якунланди
Г) 650 та лойиҳа амалга оширилди ва 300 таси ижобий якунланди

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

Аҳолининг реал даромадлари неча фоизга кўпайди?
*А) 40 % га
Б) 25 % га
В) 26,5 % га
Г) 20,5 % га

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига қанча миқдорда инвестициялар киритилган ?
*А) 8,2 миллиард доллар
Б) 7,2 миллиард доллар
В) 6,8 миллиард доллар
Г) 9,5 миллиард доллар

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2010 йилда иқтисодиётимизга киритиладиган жами инвестициялар ҳажмини ЯИМ га нисбатан қанча улушга етказиш режалаштирилган?
*А) 25 % га
Б) 30 % га
В) 35 % га
Г) 20 % га

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2010 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ даги улушини неча фоизга етказиш кўзда тутилмоқда?
*А) 47 % га
Б) 50 % га
В) 55 % га
Г) 49 % га

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2010 йилда барча кичик бизнес корхоналарига қандай имтиёзлар берилди?
*А) Ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоизга туширилди
Б) Фойда солиғи ставкаси 7 фоизга туширилди
В) 3 йилга барча солиқ турларидан озод этилди
Г) ҚҚС ва акциз солиғидан озод этилди

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2010 йилда кичик бизнеснинг ЯИМ даги улушини неча фоизга етказиш вазифаси қўйилган?
*А) 60 % га
Б) 50 % га
В) 55,5 % га
Г) 52,5 % га

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича давлат дастурига қанча лойиҳа киритилди ҳамда уларнинг қиймати нимага тенг?
*А) 300 та лойиҳа, қиймати 50 миллиард долларга тенг
Б) 327 та лойиҳа, қиймати 42,5 миллиард долларга тенг
В) 427 та лойиҳа, қиймати 52,5 миллиард долларга тенг
Г) 500 та лойиҳа, қиймати 60 миллиард долларга тенг

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2010 йили мамлакатимиз Президенти томонидан қандай йил деб эълон қилинди?
*А. Соғлом авлод йили
Б. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
В. Баркамол авлод йили
Г. Келажак авлод йили

№1 Fan bobî – 1; Fan bo`limi – 1; Qiyinchilik darajasi – 1;

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий устувор вазифаларини кўрсатинг.
*А. Ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш.
Б. Молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш

В. таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш

Г. Барча жавоблар тўғри

Glossariy

Аграр инқирозлар	Agrarian crises	Аграрные кризисы	– қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, цикли тавсифга эга бўлмайди ва саноат циклларига қараганда анча узок давр давом этади.
Аграр муносабатлар	Agrarian relations	Аграрные отношения	– ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси	Agricultural production infrastructure	Сельскохозяйственная производственная инфраструктура	– бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи соҳалар.
Агросаноат мажмуаси	Agro-industrial complex	Агропромышленный комплекс	– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.
Ўртача маҳсулот	Average product	Средний продукт	– жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир

			бирлигига тўғри келадиган махсулот ҳажми.
Банк	Bank	Банк	– иқтисодиётнинг меъёрида амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.
Банк	Bank	Банк	– кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредит тизимининг негизини ташкил қилувчи махсус муассасалар.
Банк кредити	Bank loan	Банковский кредит	– пул эгалари (банклар ва махсус кредит муассасалари) томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар, давлат, уй хўжалиги сектори) берилувчи пул ссудалари.
Банк операциялари	Bank operations	Банковские операции	– маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган операциялар.
Банк фойдаси (маржа)	Banking profit (margin)	Банковская прибыль (маржа)	– олинган ва тўланган фоиз суммалари ўртасидаги фарк.
Банк фойда нормаси	Banking profit margins	Банковская норма прибыли	– банк соф фойдасининг унинг ўз капиталига нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Бюджет тақчиллиги	Budget deficit	Бюджетный дефицит	– давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги.
Тадбиркорлик	Business activities	Предпринимательская	– шакли ва

фаолияти		деятельность	соҳасидан қатъий назар фойда олишга ва ундан самарали фойдаланиш мақсадига қаратилган иқтисодий фаолият.
Иқтисодий цикл	Business cycle	Экономический цикл	– ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқироздан иккинчиси бошлангунга қадар такрорланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракати.
Юксалиш	Climb	Подъём	– иқтисодий циклнинг иқтисодиётда тўлиқ бандликка эришилиши, ишлаб чиқаришнинг инқироздан олдинги даражадан ҳам ортиб кетиши ва тўловга лаёқатли талабнинг кенгайиб боришини тавсифловчи фазаси.
Тижорат кредити	Commercial credit	Коммерческий кредит	– корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг асосан тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида бир-бирига берадиган кредитлари.
Товар биржаси	Commodity exchange	Товарная биржа	– олдиндан белгиланган қоидалар асосида улгуржи савдони ташкил этиш

			шакли.
Қиёсий нарх	Comparable prices	Сопоставимые цены	– ишлаб чиқаришнинг натижалари маълум йил (базис йил) асосида ҳисобланувчи ва бошқа йиллар билан таққосланувчи нарх.
Рақобат	Competition	Конкуренция	– бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун кураш.
Капиталнинг тўпланиши	Concentration of capital	Концентрация капитала	– қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш (капиталлаштириш) натижасида капитал ҳажмининг ошиши.
Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши	Concentration of production	Концентрация производства	– ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йирик корхоналарда тўпланиши.
Истеъмол кредити	Consumer credit	Потребительский кредит	– хусусий шахсларга, аввало, узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари сотиб олиш учун маълум муддатга берилувчи қарз маблағлари.
Истеъмол сарфлари	Consumer spending	Потребительские расходы	– аҳоли даромадларининг

			тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.
Истеъмол	Consumption	Потребление	– эҳтиёжларни кондириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг ишлатилиши жараёни.
Истеъмол	Consumption	Потребление	– жамият иқтисодий эҳтиёжларини кондириш мақсадида ишлаб чиқариш натижалари ва омилларидан фойдаланиш жараёни.
Тадбиркорлик сектори	corporate sector	Предпринимательский сектор	– иқтисодиётнинг даромад (фойда) олиш мақсадида амал қилувчи бирламчи бўғини.
Кредит	Credit	Кредит	– бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.
Валюта биржаси	Currency exchange	Валютная биржа	– миллий валюталар курслари бўйича уларнинг эркин олди-сотдиси амалга ошириладиган, расмий жиҳатдан ташқил этилган бозори шакли.
Жорий нарх	Current prices	Текущие цены	– йил давомидаги ишлаб чиқариш натижалари ҳисоблашда

			қўлланилувчи амалдаги нарх.
Циклик ишсизлик	Cyclical unemployment	Циклическая безработица	– иқтисодий циклининг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.
Ишчи кучи талаби	Demand for labor	Спрос на рабочую силу	– муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида турли иш берувчилар томонидан ишчи кучи миқдори ва сифатига билдирилган талаб.
Амортизация нормаси	Depreciation rate	Норма амортизации	– амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Турғунлик (депрессия)	Depression	Депрессия	– ишлаб чиқаришнинг бир жойда депсиниб туришини англатувчи ҳамда иқтисодий фаоллик жонланиши учун шарт-шароитларнинг вужудга келишига имкон яратилувчи иқтисодий цикл фазаси.
Бевосита усуллар	Direct methods	Прямые методы	– иқтисодий тартибга солишнинг тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш тавсифидаги маъмурий воситалари.
Ихтиёрида бўлган даромад	Disposable income	Располагаемый доход	– барча солиқлар тўлангандан кейин

			қолган даромад, яъни шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад.
Мулкни тасарруф этиш	Disposal of property	Распоряжение собственностью	– мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш.
Тақсимот	Distribution	Распределение	– ишлаб чиқариш омиллари ва унинг натижаларини иқтисодиётнинг турли қисм ва субъектлари ўртасида тақсимлаш жараёни.
Диверсификация	Diversification	Диверсификация	– ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш, уларнинг сифатини такомиллаштириш.
Иқтисодий категория	Economic categories	Экономические категории	– доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий

			тушунча.
Иқтисодий инқироз	Economic crisis	Экономический кризис	– ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетиши.
Иқтисодий ривожланиш	Economic development	Экономическое развитие	– кўп қиррали жараён бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётида ўз ифодасини топади.
Иқтисодий мувозанат	Economic equilibrium	Экономическое равновесие	– иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига мос келиш ҳолати.
Иқтисодий ўсишнинг кўрсаткичлари	Economic growth	Показатели экономического роста	– иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган қиймат, ижтимоий нафтилик ва натурал (жисмоний) кўрсаткичлар тизимидан иборат.
Иқтисодий қонун	Economic laws	Экономические законы	– иқтисодий ҳаётнинг турли томонлари, иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги доимий, такрорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
Иқтисодий ёки соф фойда	Economic or pure profit	Экономическая чистая прибыль или	– ялпи пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.
Иқтисодий мутаносиблик	Economic proportionality	Экономическая пропорциональность	– иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари

			ўртасида миқдор ва сифат ўлчамларнинг мос келишлик даражаси.
Иқтисодий ислохотлар	Economic reforms	Экономические реформы	– иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган иқтисодий чоратadbирлар мажмуи.
Иқтисодий жамғариш	Economic savings	Экономическое сбережение	– миллий даромаднинг бир қисмининг асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт ва заҳираларни кўпайтириш учун сарфланиб бориши.
Иқтисодий уклад	economic structure	Экономический уклад	– турли мулкчиликка асосланган хўжалик юриштишнинг шакллари ва турлари.
Иқтисодий тизим	economic system	Экономическая система	– мавжуд иқтисодий муносабатлар мажмуасининг иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, хўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликдаги тизими.
Иқтисодий битимлар	Economic transactions	Экономические сделки	– қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат

			резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар.
Иқтисодий барқарорлаштириш	economy Stabilizing	Стабилизация экономики	– танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макроиқтисодий мувозанатликни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш.
Эмиграция	Emigration	Эмиграция	– фуқароларнинг ўз мамлакатларидан бошқа мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб ўтиши.
Айирбошлаш	Exchange	Обмен	– жамият аъзоларининг иқтисодий фаолият турлари ёки ишлаб чиқариш натижалари бўйича ўзаро алмашиш жараёни.
Биржа	exchange	Биржа	– намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо- сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат муассасаси.
Валюта курси	Exchange rate	Валютный курс	– бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган нарни.
Экспорт	Export	Экспорт	– товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб

			чиқарилган товарлар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.
Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш	Extended reproduction	Расширенное воспроизводство –	– ишлаб чиқариш миқёсларини мунтазам равишда ошириб боришга асосланган ҳолдаги такрорланиши.
Экстенсив иқтисодий ўсиш	Extensive economic growth	Экстенсивный экономический рост	– ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши.
Факторинг	factoring	Факторинг	– бошқа иқтисодий субъектларнинг қарздорлик бўйича мажбуриятларини сотиб олиш ёки қайта сотиш муносабатлари.
Иқтисодий ўсиш омиллари	Factors of Economic Growth	Факторы экономического роста	– иқтисодий ўсишга таъсир қўрсатишда ўз ўрнига эга бўлган ва уни аниқлаб берувчи талаб, таклиф ва таксимлаш омилларини билдиради.
Пировард маҳсулот	Final product	Конечный продукт	– ишлаб чиқариш жараёни яқунланган, шахсий ва унумли истеъмол қилишга тайёр бўлган маҳсулотлар.
Молия	Finance	Финансы	– пул маблағларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, таксимланиши ва фойдаланилиши

			билан боғлиқ равишда вужудга келадиган муносабатлар.
Молиявий сиёсат	financial policy	Финансовая политика	– давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириш учун молияни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.
Молиявий муносабатлар	financial relations	Финансовые отношения	– давлат, минтақалар, тармоқлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда алоҳида фуқаролар ўртасида пул маблағлари фондларининг ҳаракати билан боғлиқ ҳолда вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар мажмуи.
Молия тизими	Financial system	Финансовая система	– молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.
Фискал (солиқ-бюджет) сиёсати	Fiscal (fiscal) policy	Фискальная (налогово-бюджетная) политика	– давлат томонидан иқтисодиётга таъсир кўрсатиш мақсадида солиққа тортиш ва давлат сарфи таркибини ўзгартириш бўйича қўлланилувчи чора-тадбирлар.
Форфейтинг	forfeiting	Форфейтинг	– узоқ муддатли факторинг муносабатлари.
Фрикцион ишсизлик	Frictional unemployment	Фрикционная безработица	– малакасига мос иш қидираётган ва

			иш ўринлар бўшабини кутаётганларни намоён этувчи ишсизлик.
Умумий мувозанатлик	general equilibrium	Общее равновесие	– иқтисодий жараёнлар, ҳодисаларнинг икки ёки бир неча томонининг, энг аввало ялпи талаб ва ялпи таклифнинг бир-бирига тенг келган ҳолати.
Давлат кредити	government credit	Государственный кредит	– давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга тушадиган барча молиявий- иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.
Давлат кредити	government credit	Государственный кредит	– кредит муносабатларининг ўзига хос шакли бўлиб, бунда давлат пул маблағлари қарздори, аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади.
Давлат сектори	Government sector	Государственный сектор	– ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймаган, асосан иқтисодиётни тартибга солиш вазифасини амалга оширадиган турли бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг мажмуи.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	Gross domestic product (GDP)	Валовой внутренний продукт (ВВП)	– йил давомида мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот

			ва хизматларнинг бозор нархларидаги қиймати.
Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)	Gross national product (GNP)	Валовой национальный продукт (ВНП)	– миллий иқтисодиётда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги суммаси.
Уй хўжаликлари	Households	Домашние хозяйства	– иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлик.
Иммиграция	Immigration	Иммиграция	– хорижий фуқароларнинг доимий яшаш учун мамлакатга кўчиб келиши.
Импорт	Import	Импорт	– чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиш.
Аҳоли даромадлари	Incomes	Доходы населения	– аҳолининг маълум вақт давомида пул ва натурал шаклда олган даромадлари миқдори.
Билвосита усуллар	Indirect methods	Косвенные методы	– иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва дастаклари.
Инфляция	Inflation	Инфляция	– қўғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.
Инфляцион фарқ	inflation gap	Инфляционный разрыв	– ялпи

			сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори.
Интенсив иқтисодий ўсиш	Intensive economic growth	Интенсивный экономический рост	– ишлаб чиқариш омилларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиб бориши.
Оралиқ маҳсулот	intermediate	Промежуточный продукт	– ишлов бериш, қайта ишлаш ва қайта сотиш мақсадларида сотиб олинган маҳсулотлар.
Давлат ички қарзи	Internal debt	Внутренний государственный долг	– давлатнинг мамлакат ичида қимматли қўғозларини чиқариш, турли нобюджет фондларидан олган қарзи.
Халқаро кредит	international credit	Международный кредит	– ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракати.
Халқаро валюта тизими	International monetary system	Международная валютная система	– халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.
Инвестиция	Investments	Инвестиции	– ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капиталга пул шаклидаги

			қўйилма.
Акциядорлик жамияти	Joint-stock company	Акционерное общество	– кўпроқ фойда олиш мақсадида акциялар чиқариш орқали меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурс (капитал)ларини бирлаштирган уюшма.
Меҳнат биржаси	Labor exchange	Биржа труда	– ишчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишчи кучини олди-сотди битимини тузишда воситачиликни амалга оширувчи ва ишсизларни рўйхатга олувчи муассаса.
Меҳнат предметлари	labor Objects	Предметы труда	– бевосита меҳнат таъсир қиладиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалар.
Ишчи кучи таклифи	Labor supply	Предложение рабочей силы	– муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида ишга ёлланишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ишчи кучи миқдори.
Лаффер эгри чизиги	Laffer curve	Кривая Лаффера	– давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг тасвирланиши.
Лизинг	leasing	Лизинг	– одатда ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни кейинчалик фойдаланувчилар

			томонидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб бориб, сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага беришдан иборат кредитнинг пулсиз шакли.
Иқтисодиётни эркинлаштириш	liberalization of the economy	Либерализация экономики	– бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими.
Лоренц эгри чизиғи	Lorenz curve	Кривая Лоренца	– даромадлар тенгсизлиги даражасини миқдорий жиҳатдан ифодаловчи геометрик эгри чизиқ.
Макроиктисодиёт	Macroeconomics	Макроэкономика	– моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини яхлит бир бутун қилиб бирлаштирган миллий иқтисодиёт ва жаҳон хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир.
Сўнгги қўшилган маҳсулот	marginal product	Предельный продукт	– энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми.
Бозор	Market	Рынок	– ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар)

			ўртасида пул оркали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.
Бозор иқтисодиёти	Market economy	Рыночная экономика	– товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун- қоидалари асосида ташқил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.
Бозор инфраструктураси	market infrastructure	Инфраструктура рынка	– бу бозор алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг бир маромда амал қилишга хизмат кўрсатувчи муассасалар tizimidir.
Бозор механизми	market mechanism	Рыночный механизм	– бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалар.
Бозор объекти	market Objects	Объекты рынка	– айирбошлаш муносабатларига жалб қилинган иқтисодий фаолият натижалари ва иқтисодий ресурслар, товар, пул ва унга тенглаштирилган молиявий активлар.
Бозор субъекти	market participant	Субъект рынка	– айирбошлаш муносабатлари қатнашчиси.
Бозор нархи	Market price	Рыночная цена	– бир томондан, товарларнинг

			сотилиши таъминловчи, бошқа томондан, бозорда товарлар такчиллигини юзага келтирмайдиган мувозанатлашган наرخ.
Бозор ислохотлари	market reforms	Рыночные реформы	– бозор иқтисодиётини ва бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора- тадбирлар мажмуи.
Моддий- буюмлашган бойлик	materially	Материально	– миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий – буюм кўринишга эга бўлган қисми.
Услубият	Methodology	Методология	– илмий билишнинг тамойиллари тизими, йўллари, қонун-қоидалари ва аниқ ҳадислари.
Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари	Methods of state regulation of the economy	Методы государственного регулирования экономики	– тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари бирлиги.
Модернизациялаш	Modernization	Модернизация	– жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштири

			ш жараёнларининг мажмуи.
Ишлаб чиқаришни модернизациялаш	Modernization of production	Модернизация производства	– ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора- тадбирларни ўз ичига олувчи жараён.
Пул тизими	monetary system	Денежная система	– тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамланган, мамлакатда пул муомаласини ташқил қилиш шакли.
Пул	Money	Деньги	– умумий эквивалент ролини бажарувчи махсус товар.
Пул муомаласи	Money turnover	Денежное обращение	– товарлар айланишига ҳамда нотовар тавсифидаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган молиявий активларнинг харакати.
Ипотека кредити	Mortgage	Ипотечный кредит	– кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилувчи қарз маблағлари.
Аҳолининг табиий	Natality	Естественный прирост	– бу аҳолининг

Ўсиши		населения	эмиграция ва иммиграциядан ташқари ҳаракати.
Миллий даромад	National income (ND)	Национальный доход (НД)	– янгидан вужудга келтирилган маҳсулотнинг пулдаги ифодаси бўлиб, ҳозирги ҳисоблар тизимида СММдан эгри солиқларни чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади.
Миллий бойлик	National wealth	Национальное богаЦтво	– инсоният жамияти тараққиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат инъомлари.
Табиий монополия	natural monopoly	Естественная монополия	– корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати.
Табиий бойлик	natural wealth	Природное богаЦтво	– миллий бойликнинг табиатда мавжуд бўлиб, инсоният томонидан фойдаланишга жалб қилинган табиат ашёлари ва кучлари (ер,

			қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва бошқалар).
Соф миллий маҳсулот (СММ)	Net National Product (NNP)	Чистый национальный продукт (ЧНП)	– йил давомида жонли меҳнатнинг унумли ҳаракати билан яратилган янги маҳсулотдир.
Номинал ЯИМ	Nominal GDP	Номинальный ВВП	– жорий нархларда ҳисобланган ЯИМ.
Номинал даромад	nominal income	Номинальный доход	– аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлари суммаси.
Хўжаликлараро кредит	off-farm credit	Межхозяйственный кредит	– бир корхона (муассаса) томонидан иккинчисига берилиб, уларнинг капитал қурилиш, қишлоқ хўжалик соҳаларидаги муносабатларига, шунингдек, ички хўжалик ҳисоби бўғинлари билан муносабатларига хизмат қилувчи қарз маблағлари.
Оукен қонуни	Okun's Law	Закон Оукена	– ишсизлик даражаси ва ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши ўртасидаги нисбатнинг математик ифодаси.
Мулкка эгалик қилиш	ownership of property	Владение собственностью	– мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг иқтисодий шакли.
Хусусий мувозанатлик	Partial equilibrium	Частное равновесие	– бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий

			кўрсаткичлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келиши.
Тўлов баланси	Payment balance	Платежный баланс	– мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий битимлар натижасининг тартиблаштирилган ёзуви.
Шахсий даромад	Personal income	Личный доход	– миллий даромаддан ижтимоий суғурта ажратмалари, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар ва корхонанинг тақсимланмайдиган фойдасини чиқариб ташлаш ҳамда аҳоли қўлига келиб тушадиган ижтимоий тўловлар суммасини қўшиш йўли билан аниқланади.
Нарх	Price	Цена	– реал бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафлилигининг пулдаги ифодаси.
Шахсий истеъмол	private consumption	Личное потребление	– истеъмолчилик тавсифидаги

			неъматлар ва хизматлардан бевосита фойдаланишни, яъни уларнинг индивидуал тарзда истеъмол қилиниши.
Хусусийлаштириш	privatization	Приватизация	– мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг давлатдан хусусий ва бошқа шахсларга ўтиши.
Давлат тассарруфидан чиқариш	privatization	Разгосударствление	– мулкни давлат ҳисобидан чиқарилиб, бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтирилиши.
Ишлаб чиқариш	Production	Производство	– кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни.
Ишлаб чиқариш функцияси	production function	Производственная функция	– ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самараси ўргасидаги боғлиқлик.
Унумли истеъмол	productive consumption	Производительное потребление	– ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан фойдаланиш.
Меҳнат унумдорлиги	productivity	Производительность труда	– ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилияти.
Фойда нормаси	profit rate	Норма прибыли	– фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг

			фоиздаги ифодаси.
Мулкчилик муносабатлари	property relations	Отношения собственности	– мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.
Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш	Public reproduction	Общественное воспроизводство	– жамият миқёсида ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазам равишда янгиланиб ва такроран амалга оширилиб туриши.
Храповик самараси	ratchet effect	Эффект храповика	– ялпи талаб ошганда наrxнинг ўртача даражаси кўтарилиши, лекин талаб камайганда, қисқа давр ичида наrx пасайиш тамойилига эга бўлмаслигини ифодаловчи кўрсаткич.
Реал ЯИМ	Real GDP	Реальный ВВП	– наrxларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, ўзгармас ёки қийёсий наrxларда ҳисобланган ЯИМ.
Реал даромад	real income	Реальный доход	– наrx даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб аҳоли ихтиёридаги даромаднинг зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни сотиб олишга етадиган қуввати, яъни аҳоли

			даромадининг харид қуввати.
Реал иш ҳақи	Real wages	Реальная заработная плата	– номинал иш ҳақи суммасига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори ёки номинал иш ҳақининг сотиб олиш лаёқати.
Рецессион фарқ	recessionary gap	Рецессионный разрыв	– ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган миқдори.
Жонланиш	recovery	Оживление	– иқтисодий циклнинг ишлаб чиқаришнинг барқарор кенгайиб боришига ўтишини тавсифловчи фазаси.
Реэкспорт	reexport	Реэкспорт	– бирор бир мамлакат бошқа мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатга қайта сотиш учун харид қилиши.
Ислохотлар концепцияси	reform concept	Концепция реформ	– ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсад ва йўналишлари, уни амалга оширишнинг вазифалари ва стратегик йўлларининг умумий ғояси.
Реимпорт	reimport	Реимпорт	– истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш.
Жамғариш	Saving	Сбережение	– аҳоли, корхона

			(фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва фоизли даромад олиш мақсадида тўплаб борилиши.
Хуфёна иқтисодиёт	Shadow economy	Теневая экономика	– ЯИМни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишнинг расмий иқтисодиётдан яширин қисми.
Оддий такрор ишлаб чиқариш	Simple reproduction	Простое воспроизводство	– ишлаб чиқариш миқёсларининг ўзгармаган ҳолда такрорланиши.
Ижтимоий инфратузилма	social infrastructure	Социальная инфраструктура	– одамлар яшаш ва турмуш фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган соҳалар.
Ижтимоий тўловлар	Social payments	Социальные платежи	– кам таъминланганларга пул ёки натурал шаклда ёрдам кўрсатишга қаратилган турли хил тўловлар.
Ижтимоий сиёсат	Social politics	Социальная политика	– давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни, иқтисодиёт қатнашчилари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсат.
Инвестициялар самарадорлиги	soundness of investments	Эффективность инвестиций	– миллий даромад (фойда) ўсган қисмининг инвестицион

			сарфлар суммасига нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Маънавий бойлик	Spiritual wealth	Духовное богатство	– ашёвий-буюм кўринишига эга бўлмаган номоддий қимматликлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.
Иқтисодий тартибни давлат томонидан тартибга солиш	State Regulation of Economy	Государственное регулирование экономики	– қонунчилик, ижро ва назорат қилиш хусусиятидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
Фонд биржаси	Stock Exchange	Фондовая биржа	– қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича расмий жиҳатдан ташкил этилган ва мунтазам амал қилувчи бозор шакли.
Қимматли қоғозлар бозори	Stocks and bonds market	Рынок ценных бумаг	– турли кўринишдаги қимматли қоғозлар (акция, облигация, вексель, чек, депозит қабилар)ни олди-сотди муносабати.
Таркибий инқирозлар	Structural crises	Структурные кризисы	– иқтисодийнинг айрим тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўртасидаги чуқур номутаносибликларни ифодаловчи иқтисодий ҳолат.
Таркибий ишсизлик	Structural unemployment	Структурная безработица	– ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидаги ўзгаришлар

			натijasida vujudga kelaydigan ishsizlik.
Миллий ҳисоблар tizими	System of National Accounts	Система национальных счетов	– миллий махсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни тавсифлайдиган ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар tizими.
Солиқ	Tax	Налог	– жамиятда вужудга келтирилган соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли.
Солиқ ставкаси	tax rate	Ставка налога	– солиқ суммасининг солиқ олинадиган суммага нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Истеъмолга ўртача мойиллик	The average propensity to consume	Средняя склонность к потреблению	– шахсий даромаднинг истеъмолга кетадиган улуши.
Жамғаришга ўртача мойиллик	The average propensity to save	Средняя склонность к сбережению	– шахсий даромаднинг жамғаришга кетадиган улуши.
Капиталнинг марказлашуви	The centralization of capital	Централизация капитала	– бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти ва бошқа шаклларда ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ўсиши.
Иқтисодий ўсиш мезони	The criterion of economic growth	Критерий экономического роста	– иқтисодий ўсишни нисбатан тўлиқ даражада баҳолаш имконини берадиган

			кўрсаткични характерлайди.
Давлатнинг иқтисодий вазифалари	The economic functions of the state	Экономические функции государства	– иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт- шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чора- тадбирлар.
Иқтисодий ўсиш	The economic growth	Экономический рост	– ЯИМ, СММ, МД миқдорининг муғлоқ ҳажми ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайишида ва сифатининг яхшиланишида ифодаланади.
Давлат ташқи қарзи	The external debt of the state	Внешний государства долг	– хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкilotлардан олинган қарз.
Истеъмолга кейинги кўшилган мойиллик	The marginal propensity to consume	Предельная склонность к потреблению	– даромад ҳажмининг ўзгариши натijasида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси.
Жамғаришга кейинги кўшилган мойиллик	The marginal propensity to save	Предельная склонность к сбережению	– даромад ҳажмининг ўзгариши натijasида жамғариш ҳажмининг ўзгариши даражаси.

Ссуда бозори	капитали	The market of loan capital	Рынок ссудного капитала	– пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарты билан қарзга бериш бўйича олди-сотди муносабати.
Илмий усули	абстракция	The method of scientific abstraction	Метод научной абстракции	– таҳлил пайтида ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараённинг асл моҳиятига эътиборни қаратиш.
Мультипликатор самараси		The multiplier effect	Эффект мультипликатора	– бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг ялпи сарфлардаги ўзгаришга нисбати.
Фоиз (ставкаси)	нормаси	The norm (rate) percent	Норма (ставка) процента	– фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши.
Ишлаб жараёни	чиқариш	The production process	Процесс производства	– кишилиқ жамиятининг амал қилиши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолият.
Иқтисодий давлат тартибга мақсади	томонидан солиш	The purpose of state regulation of economy	Цель государственного регулирования экономики	– иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш ва уни ўзгариб

			турувчи шароитга мослаштириш.
Жамғариш нормаси	The rate of savings	Норма сбережения	– жамғариш суммасининг миллий даромадга нисбатининг фоиздаги ифодаси.
Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш	The reproduction of the labor force	Воспроизводство рабочей силы	– инсоннинг меҳнатга бўлган жисмоний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, қариган ишчилар ўрнини босадиган ёш ишчилар авлодини етиштириш жараёни.
Давлат бюджети	The state budget	Государственный бюджет	– давлат даромадлари ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.
Ялпи ишчи кучи	The total labor force	Совокупная рабочая сила	– жамият ёки алоҳида олинган мамлакат миқёсида қиймат ва истеъмол қийматларини яратишда иштирок этувчи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият қилувчи ишчи кучларининг умумлаштирилган

			мажмуи.
Бозор иқтисодиётига ўтиш даври	The transition to a market economy	Переходный период к рыночной экономике	– маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор иқтисодиёти тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилувчи тарихий давр.
Мулкдан фойдаланиш	The use of property	Пользование собственностью	– мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истёъмол қилиниши.
Меҳнат қуроллари	Tools	Орудия труда	– инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган воситалар.
Умумий маҳсулот	Total product	Общий продукт	– жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш эвазига олинган маҳсулотнинг мутлақ ҳажми.
Ялпи тақлиф	total supply	Совокупное предложение	– мамлакатда нархларнинг муайян даражасида ишлаб чиқарилган ва сотишга тайёр бўлган барча товарлар ва хизматлар ҳажми.

Касаба уюшмаси	trade union	Профсоюз	– иш берувчи ва ишга ёлланувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг шаклланиши, амалга оширилиши ва тартибга солинишида ишга ёлланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилоти.
Ишсизлик	Unemployed	Безработные	– меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган ишчи кучи.
Ишсизлик даражаси	Unemployment rate	Уровень безработицы	– ишсизларнинг ишчи кучи таркибидаги фоизли нисбати.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. R. Capello. Regional Economics, 2015 by Pearson Education, Inc.p. 370.
- 2.V. Henderson. Handbook of Regional and Urban Economics,2013 by Pearson Education, Inc.p. 312.
- 3.Harvey Armstrong , Jim Taylor. "Regional Economics and Policy, 3rd Edition " 2012 Inc.p. 406.
- 4.Soliev A.S., Ahmedov E. va boshqalar. Mintaqaviy iqtisodiyot. O'quv qo'llanma. – T.: Universitet, 2009. – 304 b.
- 5.Раҳимова М.Р. “Минтақавий иқтисодиёт”. Ўқув-услубий мажмуа. Т.: ТДИУ, 2012 йил

